Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 5-iyul, shanba № 82 (3431)

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахту саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонини фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир.

Ислом КАРИМОВ

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилаётган «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, иқтидорлиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

Архитектура ва дизайн, либослар дизайни, ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар, адабиёт ва журналистика йўналишлари бўйича ёшларнинг билим ва маҳоратини синовдан ўтказган танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 3 минг 128 нафар йигит-қиз иштирок этди.

— Танлов истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Акмалжон Жумабоев. — Иштирокчиларнинг тақдим этган ишлари билан танишиш асосида ёшлардаги фаоллик, мустақил ижодий фикрлаш қобилияти, ғолибликка бўлган интилиш ва ўзларига ишонч кучли эканлиги яққол намоён бўлмоқда.

Танловда 16 номинация бўйича ғолиб чиққан 48 нафар йигит-қиз мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.
Зухриддин УМРЗОҚОВ (ЎзА)
олган суратлар

Диққат, танлов!

«Энг улуғ, энг азиз»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи — мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказадиган **«Энг улуғ, энг азиз»** анъанавий танловига таклиф этади.

Танловга **«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!»** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

«Энг улуғ, энг азиз» танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2013 йилнинг 1 августидан 2014 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йил 5 августгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори биз, миллат тарбиячилари бўлган ўқитувчилар қалбига ҳам кўтаринки кайфият ва ажиб туйғуларни олиб кирди.

Истиқлол ғурурим, ифтихоримдир

Зеро, Мустақиллик — ёруғликдир. Унинг ёғдуси қалбга қувват беради, руҳни кўтаради. Буни ҳар лаҳзада кўриб, ҳис қилиб яшамоқ учун одамда кўнгил кўзи очиқ бўлиши керак. Бугун қайси соҳага қараманг, ривожланиш, юксалишга гувоҳ бўласиз. Ўтган 23 йилда қанчадан-қанча завод-фабрикалар, қўшма корхоналар, йўллар, кўприклар барпо этилмади, ахир! Ижтимоий жабҳаларда инсонпарварлик ғоялари илгари сурилди, маънавият соҳасидаги эзгу ишлар салмоғи эса асрларга татигуликдир. Ҳозир айтмоқчи бўлганим, ўзим иштирокчиси бўлган таълим тизимидаги ислоҳотларга бевосита тегишли. Соҳага оид муҳим ҳужжатларнинг ҳар бири эзгуликка томон қўйилган дадил қадамдир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида амалга оширилган ишлар кўлами қанчалик кенг! Иқтидорлилар маскани — академик лицей, касб-ҳунар ўргатувчи замонавий коллежлар, уларни тугатиб катта ҳаётга йўлланма олаётган ёшлар ана шу эзгулик дарахтининг сархил меваларидир. Қолаверса, жаҳон олимпиадаларидан соврин олиб қайтаётган ўқувчи-ёшлар иқтидори ва истеъдодида юртимизнинг буюк келажаги зоҳир.

Низомий номидаги Педагогика университетини тугатганимга 10 йилдан ошди. Ўзим ўқиган мактабда ишлаяпман. Мактабимиз кўз ўнгимда қайта таъмирланиб, янада чирой очди. Ўтган даврда менинг ҳам касбий маҳоратим бир мунча ошди. Республика ижодкор ўқитувчилар танлови ғолиблигини қўлга киритдим. Камтарона меҳнатим Халқ таълими вазирлиги томонидан фахрий ёрлиқ ва диплом билан тақдирланди. Директор жамғармаси орқали 40 фоиз миқдорида устама ҳақ олаяпман. Бу, албатта, мендек ёш ўқитувчи учун катта эътибор ва рағбат, шу билан бирга, биз ўқитувчилар меҳнатига ҳукуматимизнинг кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги намунасидир.

Ҳар гал Мустақиллик ҳақида ўйлаганимда, ўқувчиларимнинг Ватанимиз мадҳиясини қўлларини кўксига қўйганча баралла айтишаётгани кўз олдимга келади. Биринчи соат дарсга кириш пайтидаги ушбу кўтаринкилик кун бўйи менга руҳий қувват беради. Уларга жуда ҳавасим келади. Негаки, улар Мустақиллик болалари! Ўқувчиларимнинг ҳар бирида озодлик нафасини, эркнинг мўъжизаларини кўриб, ёрқин фикрларидан ҳайратда қоламан. Улар ўқиб, савол бериб чарчашмайди. Фикрлари теран, орзулари бир олам. Мақтанишга йўймангу ҳозиргача юзлаб китобларни ўқиб, уқиб бўлишган. Булар шунчаки китоблар эмас, Навоий, Бобур, Машраб, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Усмон Носир... Хуллас, ўзбек адабиёти дарғаларининг асарлари. Баъзи ота-оналар фарзандлари кўп дарс тайёрлаётганидан хавотирланиб, бизга болалигимизда муаллимларимиз бунча кўп вазифа бермасди, ишқилиб булар толиқиб қолмасмикан, деб келишади. Шунда уларни дарсга таклиф этаман. Фарзандлари билан тенгдош баъзи болаларнинг зукколигини кўриб, ҳали боламиз кўп ўқиши керак экан, деб кетишади. Шунда ота-оналарга давр талаби, ўқувчиларнинг иқтидори ҳақида сўзлаб, улар Мустақиллик болалари эканига урғу бераман.

Истиқлол фарзандлари жуда зийрак ва доно. Бу эса уларга таълим-тарбия бераётган биз, ўқитувчилардан катта масъулият талаб қилади. Бу масъулият Ватанга, унинг порлоқ келажагига дахлдорлиги учун ҳам жуда муҳимдир. Ҳозирданоқ янги ўқув йилига касбий тараддудни бошладик. Модомики, биз, ўқитувчилар миллат болаларининг истиқболи учун масъул эканмиз, аввало, ўзимиз, қолаверса, шогирдларимиз қалбини МУСТАҚИЛЛИК завқи, шукуҳи билан тўлдиришимиз даркор. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирларимизда халқимизнинг кеча ким бўлгани-ю, бугун кимлигини аниқ мисоллар орқали ўқувчиларимиз онгида жонлантириб, улар юрагида она-Ватанидан фахрланиш, буюк аждодларига муносиб ворис бўлишдек шарафни уйғотиш бош мақсадимиз. Умид қиламизки, шогирдларимиз ушбу эътиборга жавобан ўз билим ва иқтидорларини мустақилликни мустаҳкамлаш, боболарга муносиб ворис бўлиш йўлида сафарбар этади. Илло, истиқлолимиз шону шарафимиздир. Унга муносиб бўлиш, озодлик шукуҳини ҳис қилиб яшаш ҳар биримизга катта фахр-ифтихор бағишлайди.

Шоира РАУПОВА,
Тошкент шаҳридаги 64-мактабнинг
она тили ва адабиёти фани
ўқитувчиси

«Бунёдкор — 2014»

ЁШЛАР ШИЖОАТИ

Талаба-ёшларнинг ёзги таътил кунларини самарали ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Бунёдкор» меҳнат гуруҳлари жойлардаги қурилиш-бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сирдарёлик ёшлар ҳам «Бунёдкор — 2014» меҳнат гуруҳларида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Гулистон туманининг «Зарбдор» массивида фаолият юритаётган ана шундай меҳнат гуруҳининг 80 нафар аъзоси ушбу массивда намунали лойиҳа асосида бунёд этилаётган замонавий уй-жойлар қурилишида иштирок этмоқда.

Сирдарёда ташкил этилган меҳнат гуруҳларида тўрт юзга яқин талаба фаолият олиб бормоқда. Уларнинг меҳнат қилиши, ҳордиқ чиқариши учун барча зарур шарт-шароит яратилган.

«Бунёдкор» меҳнат гуруҳлари талаба-ёшларнинг мутахассис ва шахс сифатида шаклланишида муҳим ўрин тутади. Бунда ёшлар жамоада ишлаш, қолаверса, муомала маданиятини юксалтиради.

А. МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Кўрик

ОРАСТА, ЗУККО...

Бухорода «Ораста қизлар давраси» кўрик-танлови ўтказилди. Унда туман ва шаҳарлардаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ҳамда коллеж ўқувчиларидан ташкил топган жамоалар иштирок этди.

Асосий эътибор «Ватаним маҳалла ва оиладан бошланади», «Ўзбекистонда таълим самарадорлиги», «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она», «Оммавий маданият» мафкуравий таҳдиди — миллат маънавияти кушандаси» каби долзарб масалаларга қаратилди. Мавзулар моҳиятини саҳнада шакллантириб, ўз маҳорат ва қарашларини юқори даражада намойиш этган Ромитан туманининг «Оромитан қизлари» жамоаси танловда ғолиб деб топилди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг ҳалол ва фидойи меҳнатини қадрлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови бу борадаги ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Ватанни куйлаш бахти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган мазкур ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида янги ҳаёт, янги жамият барпо этишга оид ислоҳотлар жараёнида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, турли соҳаларда кечаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, эришилган улкан ютуқларни юртдошларимиз онгу шуурига таъсирчан тарзда етказиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида Ватанимизнинг тараққиёт йўли ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий, тарғибот-ташвиқот ишлари дастури доирасида олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирокида туркум маънавий тадбирлар ўтказиш билан бирга ижодий танловлар, бадиий-фото кўргазмалар, учрашувлар, жонли мулоқотларни ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» танлови эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи тараннум этилган энг сара асарларни халқимизга тақдим этишдек мақсадни кўзлаши билан аҳамиятлидир. Ижодий беллашув мобайнида ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларининг шу мавзуга оид энг мукаммал асарларини саралашга жиддий эътибор қаратилади.

Йиғилишда мазкур танловга тайёргарлик кўриш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ёз — 2014

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, болаларнинг ёзги таътилни ҳар қачонгидан мароқли ўтказишлари йўлида кўрсатилаётган ташаббус ва ташкилотчилик туфайли Бўстонлиқ туманидаги бир қанча оромгоҳлар фаолияти тубдан яхшиланди.

«Ниҳол»да унутилмас кунлар

Мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналардан бири — «Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси» ОАЖ ходимларининг фарзандлари ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Улар «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мазза қилиб дам олишди.

Биз яқинда корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Зулфия Носирова ҳамроҳлигида ушбу оромгоҳда болажонларнинг таътилни мароқли ўтказаётганига гувоҳ бўлдик. Денгиз сатҳидан 1600 метр баландликда, ажойиб табиат қўйнида жойлашган «Ниҳол» оромгоҳи Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфига олингач, капитал таъмирдан чиқарилиб, ўтган йилдан болажонларни ўз бағрига ола бошлади.

Оромгоҳда мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани кўзга ташланади. Уч гектар майдонни эгаллаган оромгоҳдаги саранжом-саришталик, болаларга мослаб қурилган ажойиб бинолар, бежирим йўлаклар диққатингизни тортади. Оромгоҳ директори Аброр Абдужалиловнинг айтишича, бу ерда мавсум давомида беш навбат ташкил этилиб, 750 нафар бола дам олиши режалаштирилган.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 5-iyul № 82 (3431)

Намунали бошланғич ташкилотларда

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган касаба уюшма қўмиталарининг тажрибаларини оммалаштириш ва шу орқали жойлардаги бошланғич ташкилотларнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Сирдарё вилояти ҳамда пойтахтлик бир гуруҳ фаоллар ва етакчилар Ангрен шаҳрига йўл олишди.

Яхшиларга ёндашиб...

Меҳмонлар дастлаб таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашида бўлишди.

— Шаҳар кенгашимиз ўз атрофига 120 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, аъзоларимиз сони 5870 нафарни ташкил этади, — деди кенгаш раиси Равшаной Ғозиева. — ЎзКУФК томонидан 2013 йилнинг «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари йили» деб эълон қилиниши, бошланғич ташкилотлар етакчиларининг I республика Форуми Резолюцияси ҳамда «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш Дастури» доирасида тизимда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчилари ролини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кадрлар захираси шакллантирилди.

Барча бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан ходимлар бирдек фойдаланишлари қатъий назоратга олинган. Айнан амалдаги жамоа шартномаларини ҳаётга татбиқ эта бориб, ўтган йили кам таъминланган, амалиётни ўтаётган учинчи босқич ўқувчилари, коллежни битириб ишга кирган ёшларга, кам таъминланган оилаларнинг 566 нафарига 31 млн. 449 минг сўмлик ижтимоий кўмак берилди. Тармоқ ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, рағбатлантириш ва маданий тадбирларга 45 млн. 675 минг сўм, спорт тадбирларига эса 17 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Касаба уюшма маблағи ҳисобидан 63 нафар ходим, уларнинг оила аъзоларидан 39 нафари сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклашди. Жорий йилнинг шу вақтига қадар эса ижтимоий ҳимоя, рағбатлантириш ҳамда маданий тадбирларга 31 млн. 530 минг сўм маблағ сарфланди.

Шаҳар кенгаши томонидан ўтказилаётган турли кўрик-танловлар катта тарбиявий аҳамият касб этяпти. «Ҳуқуқингизни биласизми?», «Йилнинг энг яхши маънавият тарғиботчиси», «Балли, касабақўм», «Йилнинг энг ёш ўқитувчиси», «Йилнинг энг фаол ёш тарбиячиси», «Истиқлол ғунчалари», «Ўз касбининг моҳир эгалари» каби кўрик-танловлар шулар жумласидан. Кўрик-танлов ғолибларининг Самарқанд, Бухоро шаҳарларига бепул саёҳатга олиб борилгани ҳам айни муддао бўлди.

Фарҳод Раҳмонқулов — Сайхунобод туманидаги Пахтакор маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгашида илғор иш тажрибаси тўплангани шундоққина сезилиб турибди. Менда, айниқса, ўқитувчиларнинг ташаббуси билан таъмирланиб, жиҳозланган маънавият хонаси жуда яхши таассурот қолдирди. Ўзимизда ҳам ана шундай хона ташкил этишни ният қилиб қўйдим.

БАТАРТИБЛИКДАН КЎЗ ҚУВОНАДИ

Семинар иштирокчиларида Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи ўзгача таассурот қолдирди.

— Коллежимиз Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1995 йилдан буён «Махсус Ангрен техника коллежи» сифатида фаолият кўрсатиб келяпти, — дейди коллеж касаба уюшма ташкилоти етакчиси Абдураззоқ Ҳакимов. — 2002 йил реконструкция қилиниб, Ангрен компютер ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Ўтган йили Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежига қайта ихтисослаштирилди.

Айни вақтда билим масканида 1504 нафар ўқувчи 8 йўналиш бўйича ўз билимларини оширяпти. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит, кончилик ишлари, ландшафтлар дизайнери йўналишлари шулар жумласидан.

Коллеждаги 56 та ўқув хоналари замонавий жиҳозланган: Ўқув-лаборатория, лингофон хоналари, спорт зали, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, ахборот ресурс марказларидаги батартибликдан кўз қувонади.

Эришилган ютуқлар ҳам шунга яраша. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида таълим муассасаси 2-ўринни эгаллади. Биринчи босқич талабаси Севара Абдулҳакимова эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Яна бир ўқувчи Маҳлиё Эшбоева «Менинг бизнес ғоям» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринга лойиқ топилди.

Қаршибой Эшназаров — Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари:

— Менда коллеж касаба уюшма ташкилоти ижодий иш тажрибасидан кўп нарсани ўзимизда қўллаш мумкин экан, деган фикр уйғонди. Физика, биология, кимё хоналари жуда ёқди.

УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР

Куннинг иккинчи ярмида сирдарёлик ҳамда пойтахтлик касаба уюшма фаоллари «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти ҳамда унинг бошланғич ташкилоти иш фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Йиғилганларга жамият директори Ботир Абдураимов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддам Нарбаева корхона тарихи ҳамда айни вақтда амалга оширилаётган ишлар, меҳнаткашларга яратилган иш ва дам олиш шароитлари ҳақида атрофлича гапириб беришди.

— Маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилоти 1782 нафар аъзоларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш борасида ижтимоий шериклик асосида фаолият юритиб келмоқда, — деди касабақўм етакчиси. — Корхонамиздагиларнинг кўпчилигини узоқни яқин қилаётган ҳайдовчилар ташкил этади. Биз уларнинг ишончларини оқлаш учун барча чораларни кўряпмиз.

Шоҳида Бегимкулова, Ўзбекистон «Сифат» маркази касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Ангрен логистика маркази ўзининг замонавий қурилиши билан менда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга, ишчи-хизматчиларга жуда яхши шароит яратилганига шоҳид бўлдик. Иккита туну кун ишлайдиган ошхона меҳнаткашлар хизматида. Ҳар йили ишчиларни икки мартадан тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам ташкил этилган экан. 80 ўринли ётоқхона улар хизматида. Бундай корхона иш фаолиятидан кўп нарса ўрганса бўлади.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Биринчи навбатда 154 бола соғломлаштирилди. Иккинчи навбатда ҳам шунча бола ҳордиқ чиқариб қайтмоқда. Бир-биридан чиройли ва замонавий болалар ётоқхонаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, минифутбол, волейбол майдонлари дам олувчилар ихтиёрида.

Биз иккинчи навбатнинг ўйин-кулгига бой ёпилиш маросимида иштирок этдик. Майдонга саф тортган ўғил-қизлар билан мулоқот ўзбек ва инглиз тилларида ташкил этилганини кўриб, рости, эртанги кунимиз эгаларига ҳавасимиз келди. 5-гуруҳ етакчиси Ирода Қамбарованинг айтишича, оромгоҳда машғулотлар инглиз тилига мослаштирилиб, ўйин тариқасида ташкил этилаётгани бир неча кундаёқ ўзининг самарасини бермоқда. Болаларнинг аксарияти ранглар, қушлар, ҳайвонот олами ҳақида инглиз тилида баён этишни ўрганиб олишибди.

«Ниҳол»да унутилмас кунлар

Фурсатдан фойдаланиб, болажонларни суҳбатга тортдик.

Нигора Комилова, 13 ёш:

— Онам Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида машинист бўлиб ишлайди. Оромгоҳга йўлланма олиб келганида севиниб кетдим. Мана, ҳозир мазза қилиб дам олиб қайтаяпман. Илгарилари ҳам бошқа оромгоҳларда бўлганман. «Ниҳол» ҳаммасидан зўр экан. Айниқса, хушманзара табиати, мусаффо ҳавоси жуда-жуда ёқди.

Мадина Ёркинбоева, 12 ёш:

— Ангреннинг Нуробод қўрғонида яшаймиз. Оромгоҳга келиб инглиз тилида сўзлаша бошладик. Қушлар, ўсимликларнинг инглизча аталишини билиб олдим.

Беҳзодбек Тўлаганов, 11 ёш:

— Оромгоҳ сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилдик. Футбол, волейбол ўйнадик. Тотли таомлар барчамизга ёқди.

Нозима Йўлчиева, 12 ёш:

— Тарбиячи Адиба опа, етакчимиз Сайёрахон опалардан кўп янги нарсалар ўргандик. Самариддин ака инглиз тилидан қизиқарли дарслар олиб борди. Оромгоҳдаги кунлар, назаримда, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетди.

***

Оромгоҳнинг иккинчи навбати ёпилиш маросимида болажонлар устозлари ёрдамида ўрганган чиройли рақсларни маромига етказиб ижро этиб, дўстлари ва меҳмонларни ҳушнуд қилишди. Шунингдек, таниқли санъаткорлар иштирокидаги чиқишлар даврага файз киритди.

Оромгоҳдан қайтар эканмиз, «Ниҳол»даги 154 нафар ўқувчининг 54 нафари Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси ходимлари фарзандлари экани эътиборимизни тортди. Бу — корхона маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотининг соғломлаштириш ишларига эътибори самарасидир.

Неъмат ДУШАЕВ,
«Ulug' yo'l» газетаси
бош муҳаррири

Суратларда: «Ниҳол» оромгоҳидан лавҳалар

Касаба уюшма ҳаёти

«Андижон нефт базаси» унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дам ғанимат...

Жумладан, яқинда спортнинг футбол, волейбол, шахмат ҳамда шашка турлари бўйича корхона ва филиаллараро мусобақа ўтказилди. Ғолиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ёзнинг иссиқ кунларида ходимлардан 100 нафари Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Сардор» дам олиш масканида ҳордиқ чиқарди. «Касаба сайр» унитар корхонаси билан ҳамкорликда эса яна бир гуруҳ ходимларнинг Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига саёҳати ҳамда пойтахт театрларига ташрифи ташкил этилди.

Икромидин САМАТОВ,
«Андижон нефт базаси»
унитар корхонаси
касаба уюшма
қўмитаси раиси

Матбуот анжумани

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати ҳамкорликда «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этди.

Қонун лойиҳасига бағишланди

Таъкидланганидек, Мазкур Қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ижроси доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади — нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилишни рағбатлантириш, салоҳиятли сармоядорларнинг (барча тоифалари) хусусийлаштириш жараёнида тенг иштирок этишини таъминлаш, хусусийлаштирилган битимлар очиқлиги, ошкоралигини юзага келтириш ҳамда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси доирасида Давлат рақобат қўмитаси таркибидаги Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаларининг (хусусийлаштириш соҳасидаги) фаолияти ўрганилди. Қатор хусусийлаштирилган корхоналар ишлари билан яқиндан танишилди. Жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар, мулоқотлар уюштирилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгаришларга асосланган ҳолда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш янгича тартиб ва қоидалар бўйича фракциялар масъулиятини ошириш, улар муносабатини янада аниқлаштириш мақсадида жорий йилнинг 12 мартида барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлик гуруҳи депутатлари ўртасида фракцияларо дебат ташкил этилди. Май ойида депутатлар ўз сайлов округларидаги учрашувларда ҳам қонун лойиҳасига доир кенг тушунтириш ишлари олиб бордилар. Бундан ташқари, республика оммавий ахборот воситаларида 30 га яқин, маҳаллий матбуотда 70 га яқин чиқишлар қилинди.

Тадбирда мавзуга доир филм намойиш этилди. Қўмита фаолиятини ёритишда фаол иштирок этган оммавий ахборот воситаларидан бир гуруҳи эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари ва Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази аҳамияти, уларда энг мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилаётганлиги» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мақсад — эл саломатлиги

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилган. Улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пулманология ҳамда эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда.

Энг юқори талаб ва мезонларга мос ихтисослаштирилган вилоят шифохоналари ҳамда уларнинг шаҳар ва туман бўлимлари қошидаги тез тиббий ёрдам хизмати бўлимларида буткул янгича тизим шакллантирилган. Шу асосда ҳозир Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиал фаолият кўрсатаяпти. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «103» хизмати станциялари, тез тиббий ёрдам гуруҳлари ҳамда санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Уларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатаётир.

Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази ва унинг қошида Кардиохирургия мажмуасининг очилиши юрак хирургияси соҳасида янада юқори технологияларни татбиқ қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам қўламини кенгайтириш, малакали кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратиш ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилда юрак-қон томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди.

Бир сўз билан айтганда, нафақат бу соҳаларда, балки хирургия, урология, акушерлик ва гинекология, педиатрия, дерматология ва венерология, фтизиатрия ва пулманология, эндокринология каби кўплаб йўналишларда ҳам қўлга киритилаётган ютуқлар бисёр.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Орамиздаги одамлар

Бу аёлни танимаган киши севимли актрисамиз Раъно Ярашева билан адаштириши шубҳасиз. Гарчи, улар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшашмаса-да, ёнма-ён туришса, ажратиш қийин. Суратдаги Раъногa тикилиб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилгандирсиз. Тўғри, одам одамга ўхшайди. Айтишларича, дунёда бир одамнинг 7 нафар қиёфадоши бўларкан. Ким билади, бизга ўхшайдиган инсонлар дунёнинг қай бурчагида юришган экан. Майли, асосий мавзудан чалғимайлик. Гап Жиззахнинг Раъноси ҳақида кетаяпти.

Амир отанинг

Раъно Холиқова 1958 йилнинг 24 апрелида Фориш туманидаги «Осмонсой» қишлоғида 10 нафар фарзанднинг тўртинчиси бўлиб дунёга келди. 3 ўғил, 7 қизни ўқимишли қилган Амир ота билан Мукаррама она уларнинг камоли учун тиним билмади. Фарзандлари ҳам мўминқобил, ақлли-ҳушли бўлиб воягa етишди.

— Қишлоқ ёшлари жуда билимга чанқоқ бўлишади, — дейди Раъно опа ёшлик йилларини хотирларкан. — Биз ҳам фақат шаҳарга бориб ўқиймиз, деб ҳаракат қилардик. 1978 йили Жиззах педагогика билим юртининг «Бошланғич таълим» факультетини имтиёзли диплом билан тугатдим. Кейин эса Жиззах давлат педагогика институтини сиртдан битирдим. Ўқиш билан ишни бирга олиб бордим. Оилада кўпчилик бўлганимиз учунми, мактабдан қайтгач, «малим, малим» ўйнардик. Ҳар доим мен муаллима бўлардим.

Мендаги шижоат ва меҳнатсеварлик отамдан ўтган. Отамнинг касби ҳайдовчилик бўлса ҳам, ўзи тадбиркор инсон эди. Шу сабаб, қийналмай яшаганмиз. Онамдан рўзғор тутиш, тикиш, тўқиш сирларини, саранжом-сариштали бўлиб яшашни ўргандик. Онам яна ёшлигимизда катталарнинг суҳбатини тингламасликни айтарди. Буни ҳозир ўзим невараларимга ўргатаяпман.

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Жиззах шаҳридаги «Ёшлик» маҳалласида 32-«Қамалак» мактабгача таълим муассасаси бор. Умумий майдони 1 гектардан иборат бўлган ушбу даргоҳ кўпроқ санаторийга ўхшаб кетади. Чунки, ҳудуддаги 3 минг тупдан иборат мевали ва манзарали дарахтлар муассасага ўзгача кўриниш бериб турибдики, бундан бу ерга келган ҳар бир инсоннинг баҳри дили очилади. 280 нафар кичкинтойни бағрига олган ушбу муассасага 1990 йилдан бери Раъно Холиқова раҳбарлик қилиб, 25 нафар педагог ходимни ўз оила аъзосидай кўриб келмоқда.

Ҳар боши сочлини
хотин деманглар,
Хотин улдир:
сиёҳидан беллидир.
Кир сақламас
боласини, ўзини,
Қоши, кўзи,
қовоғидан беллидир.

Махтумқулининг ушбу машҳур тўртлиги Раъно опа учун айтилгандек гўё. Чунки, у раҳбарлик қилаётган даргоҳдаги озодалик, осойишталик барчага ўрнак қилиб кўрсатишга арзигулик.

— Гулларни, яшилликни яхши кўраман, — дейди суҳбатдошимиз. — Қаерга бормай, албатта, бирорта гулнинг шохчасини ёки уруғини олиб келиб боғчамизга экаман. Ҳар бир дарахтни ниҳоллигидан парвариш қилганим учун ўз фарзандимдай бўлиб қолган. Дарахт бор жой соя-салқин бўлади. Одамлар дам олади. Ўзбекнинг оддий бир аёли бўлсам-да, ортимдан гуркираган боғлар қолишини истайман.

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?

Ҳозирги даврда раҳбар бўлишнинг масъулияти шундаки, ўз устингда тинмасдан ишлашга мажбурсан. Тадбиркор, ташаббускор, изланувчан ва ижодкор бўлиш билан бирга масъулиятли, қаттиққўл ва меҳрибон бўла олиш шарт. Чунки, бугуннинг болалари кўп нарсани билишни хоҳлайди. Шунга яраша тарбиячилар ҳам жажживойларнинг саволларига жавоб беришга тайёр бўлиши лозим. Фарзандидан яхши келажак кутган ота-оналар уларнинг ҳар бир саволига жавоб бериши, вақтим йўқ, деб жеркимаслиги, истеъдодини, фикрлаш қобилиятини ўстириши, қўл маторикасини ривожлантиришга ёрдам берадиган ўйинчоқлар олиб бериши керак. Шунингдек, мактабгача таълим мажбурий бўлишини жуда хоҳлардим. Чунки, ўз тажрибамдан шуни кузатганманки, боғчага борган бола билан бормаган боланинг фарқи катта. Бири жуда фаол бўлса, иккинчиси тортинчоқ бўлади. Бизга эрталаб болани очиқ юз билан кутиб олинг, кеч бўлганда ана шундай кайфият билан кузатиб қўйинг, деб ўргатишган. Тўғри-да, болаларга яхши хислатларимиз билан ўрнак бўлолмасак, тарбиячилигимиз қаерда қолади.

Раҳбар ўзи тўғри йўлдан юриб, ортидан ходимларини ҳам эргаштира олиши керак. Иш тажрибам давомида ходим ўз раҳбарини яхши кўриши керак-лигини тушунганман. Ҳар бир ходимнинг оилавий шароитини ўрганаман. Ишхона уларни оҳанрабодек тортиб, бу ерда кўнгилдан ишласагина раҳбарни яхши дейиш мумкин.

ҚЎЛДА ТОККАЙЧИ...

Диққат билан қулоқ солсангиз, аёл деган сўз юмшоқ ва мулойимни эшитилади. Француз адиби Жан Жак Руссонинг «Аёл эркакка тақлид қилганидан кўра, аёллигини намоён қилгани сайин қадр-қиммати оша боради. Аёлнинг аёллик хислатларини ривожлантирмай, унга эркакча қилиқларни сингдирганингиз сайин, у ўзлигини йўқотиб сўлиб бораверади», деган машҳур гапи бор. Чиндан ҳам аёл раҳбар бўлдим деб эркак кишидан ўзини устун кўрсатишга муккасидан кетмаслиги керак.

Ҳаётда жуда оддийман. Ёзувчизудан қўлим бўшади, дегунча токкайчи олиб, боғча ҳовлисида ишлаб юраверaман. Мени кўриб ходимларим ҳам ёрдамга келади. Кўни-қўшниларим «раҳбар аёлгаям ўхшамайсиз, жуда оддий юрасиз», деб қолишади баъзан.

Қандай ҳаёт кечириш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Халқимиз-

Ютуқлар сари ишонч билан

Ўзбекистон Велоспорт федерацияси фаолияти ҳақида ахборот

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олимпия ўйинларига киритилган велоспорт тури фаолиятини янада жонлантириш ва ушбу спорт турини тубдан ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Велоспорт федерацияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, велоспортчиларни XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш бўйича Дастур қабул қилинди.

Ушбу Дастур асосида Велоспорт федерациясининг махсус чора-тадбирлар режаси ҳамда спортчиларни лицензия берувчи йирик халқаро спорт мусобақаларига саралаб олиш тартиби ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 октябрдаги 189-сон йиғилиш баённига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги Велотрек майдончасини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш борасида лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва айни кунда тегишли ишлар бошлаб юборилди.

Велоспорт федерациясининг навбатдан ташқари конференцияси ўтказилиб, унда Федерациянинг раҳбарият таркиби тубдан қайта кўриб чиқилди ва Федерация аппаратига ёш малакали мутахассислар жалб этилди.

Шунингдек, конференцияда 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича Велоспорт федерациясининг устувор вазифалари тасдиқланди.

Велоспорт тури бўйича республикада фаолият кўрсатаётган мураббийлар малакасини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда Глазго (Англия)дан велоспорт назарияси ва услубияти бўйича малакали мутахассис, халқаро тоифадаги эксперт Гарри Вилс жалб этилиб, халқаро семинар ўтказилди. Унда республиканинг барча ҳудудларидан 30 нафарга яқин мураббий ва мутахассислар қатнашиб, иштирокчилардан 17 нафари Халқаро Велоспорт федерациясининг 1-тоифали махсус сертификатига эга бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Велоспорт федерациясининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида велоспорт бўлимлари очилди.

Республика миқёсида велоспорт турини янада оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида жорий йилнинг март-май ойларида касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Касаба тур» веломарофони ўтказилиб, унда жами 300 мингга яқин ҳаваскор иштирок этди. Голибларга касаба уюшма ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жорий йилнинг 19 май — 2 июн кунларида Қозоғистон Республикасида ўтказилган Осиё чемпионатида 18 нафар, шундан Қарағанда шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатининг шоссе йўналиши бўйича мусобақасида 9 нафар велоспортчи иштирок этди.

Шоссе йўналишда Р.Каримов 9-ўринни эгаллаб, энг кучли 10 таликдан жой олди, якка пойга мусобақасида Е.Кнебелева 3-ўринни банд этиб, бронза медали соҳиби бўлди. Трек йўналишида В.Шайхов 4-ўринни, жамоавий пойгада В.Туйчиев 5-ўринни эгаллади.

Умумий натижалар бўйича Ўзбекистон велоспортчилари 30 дан ортиқ Осиё мамлакатлари орасида энг кучли мамлакатлар 10 талигига киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Велоспорт федерацияси Халқаро велоспортчилар Иттифоқи (UCI Платформаси) томонидан ташкил этилган тажриба алмашиш семинарида иштирок этиб, лойиҳа доирасида бугунги кунда велоспорт билан шуғулланаётган қандли диабет касаллигига чалинган болалар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Велоспорт федерацияси томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар Осиё Конфедерацияси (ACC) Халқаро Велоспортчилар Иттифоқи (UCI) Президентлари томонидан эътироф этилди ва қўллаб-қувватланди.

Осиё Конфедерацияси томонидан тарихда биринчи маротаба Ўзбекистон Велоспорт федерациясига 2014 йил Испанияда ташкил этиладиган велоспорт бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш жараёнидаги Халқаро велоспортчилар Иттифоқининг Бошқарув қўмитаси сайловларида овоз бериш ҳуқуқи берилди.

Бу эса Ўзбекистон Велоспорт федерациясининг халқаро велоспортни ривожлантириш жараёнида иштирок этиш имкониятини янада кенгайтиради.

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада, юртимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ўсиши, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йилдан-йилга сезиларли даражада ортиб бориши таъминланмоқда. Бу жараёнда юртимизда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ўрни беқиёс.

Тадбиркорлар қўллаб-қувватланмоқда

Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Янгиобод филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялари бугун ўз натижасини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида филиал томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми 1022,6 млн. сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 62,9 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,1 баробарга ёки 42,9 сўмга ортди.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, базавий тармоқларнинг барқарор ишлаши ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини юксалтириш бўйича филиал томонидан қатор ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Сабаби, юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида филиал томонидан 237,3 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

«Бунёд шер савдо» хусусий корхонаси ҳам банкнинг молиявий мададидан унумли фойдаланган ҳолда бугун паррандачилик билан шуғулланмоқда.

— Фаолиятимиз паррандачиликка ихтисослашган бўлиб, ички бозорга товуқ гўшти ҳамда тухум маҳсулотини етказиб беришдан иборат. Янгиобод туманида ташкил этилган корхонамизнинг бугунги фаолияти ва эришаётган ютуқларида ишончли ҳамкоримиз «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Янгиобод филиалининг мадади алоҳида эътиборга моликдир, — дейди корхона раҳбари Шермат Раззоқов. — Ҳозирги кунда паррандачилик маҳсулотларига бўлган талабни инобатга олган ҳолда, корхонамиз фаолиятини янада ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Айтиш керакки, аввало, ишимизни бошлаш учун пухта лойиҳа ишлаб чиқдик. Ушбу бизнес-режамизни банкка тақдим этганимиздан сўнг, банк ходимлари лойиҳамизни ўрганиб чиқиб, бизга зарур бўлган 20 млн. сўм миқдордаги кредит маблағини ажратди. Ажратилган кредит маблағига зотли жўжалар сотиб олинди. Лойиҳанинг амалга ошиши натижасида янги иш ўринлари яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан, банк филиали томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтиришини рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун жорий йилнинг ўтган даври давомида ажратилган кредитлар ҳажми 196,7 млн. сўмни ташкил этди.

Жумладан, Жиззах вилоятида ташкил этилган «Шариф мебел» хусусий корхонаси ҳам банкнинг молиявий кўмаги туфайли бугун мебел ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

— «Ҳунарли киши хор бўлмайди» деган нақлга амал қилиб, янглишмаган эканман. Ишбилармонларга берилаётган имкониятлар тўғрисида яқинларимдан жуда кўп эшитгандим. Барча имкониятларимни ишга солиб, 2014 йилда «Шариф мебел» хусусий корхонасини ташкил қилдим. Атрофимга ҳунар ўрганишга иштиёқи бўлган йигитларни тўплаб, турли хилдаги мебелларни ишлаб чиқаришни бошладик, — дейди корхона раҳбари В.Каримов. — Бироқ имкониятларимиз ўйлаган режаларимни амалга ошириш учун камлик қилди. Шунинг учун бизнес режа тузиб, «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг Янгиобод филиалига мурожаат қилдим. Тақдим этилган лойиҳа қисқа муддатда банк ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди ва замонавий дастгоҳлар сотиб олиш учун 40 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Молиявий кўмак туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот сифати ҳам ошди. Энг муҳими, маҳаллий 3 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Янгиобод филиалининг амалий ёрдами туфайли кам қувват билан фаолият юритаётган корхоналар жонланмоқда. Қолаверса, туманда олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил бажарилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банк материаллари асосида тайёрланди

Реклама ва эълонлар

Бандлик

Косонсой туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, прокуратураси, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда элликка яқин корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Битирувчилар учун меҳнат ярмаркаси

Ярмаркада ёшлар таклиф этилаётган иш ўринлари, меҳнат шароити билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Натижада, етмиш нафарга яқин коллеж битирувчиси ўз мутахассисликлари бўйича ишга йўлланма олди.

Ярмаркада туманда жорий йилда яратиладиган иш ўринлари ҳақида маълумот берилди.

ЎзА

Сурурли онлар

Жамиятнинг соғломлиги, аввало, соғлом оила муҳитига боғлиқ. Шу боисдан мамлакатимизда оилага муқаддас даргоҳ сифатида қаралади. Инсон умрининг энг латиф, энг азиз лаҳзалари никоҳ тўйи. Муштипар оналаримиз сарпо тайёрлаб, келинчакнинг муборак ташрифини сабрсизлик билан кутади. Барчанинг ҳавасини келтириб, оламга шодумон боқаётган келин-куёвга «кўз тегмасин», дея исириқ тутатиб, кўзмунчоқлар тақади...

Бахтингиз бутун бўлсин!

Ана, карнай-сурнай садолари остида қурилажак оила аталмиш қўрғоннинг соҳиб ва соҳибаси, мустақил юртимизнинг бахтиёр фарзандлари — куёв ва келин «Бахт уйи»га кириб келишмоқда. Келин ва куёвнинг, куёвжўра ва дилбар қизларнинг юраги ҳаяжондан ҳапқиради. Чунки саноқли дақиқадан сўнг ФҲДЁ мудираси иккала ёшнинг никоҳини қайд этади ва уларни бир оила, деб эълон қилади.

Ҳукуматмиз ғамхўрлиги, бунёдкорлик ишлари натижасида мамлакатимизда инсон ҳаётининг унутилмас лаҳзаларини қайд этадиган ФҲДЁ бўлимлари янгича кўринишга кирди. Хусусан, Чироқчи тумани аҳолиси ҳам мустақилликнинг ушбу ажойиб неъматидан бебаҳра қолмади. Яқинда туман марказида жамоли кўзни қувнатувчи «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди.

— Бўлимимизнинг янги бинода иш бошлаши Соғлом бола йилида ўзига хос туҳфа бўлди, — дейди ФҲДЁ бўлими мудираси Мавлуда Очилова. — Маълумки, оила қуришда илк қадам фуқаролик ҳолати далолатномасини қайд қилиш идорасига ариза беришдан бошланади. Ариза берилгач, то никоҳ қайд этилгунга қадар бир ойлик синов муддати белгиланади. Бундан мақсад — ёшлар енгил-елпи ўйламасдан, бир-бирини яхши билмасдан шошилинч никоҳдан ўтишининг олдини олиш, оила қуришга монеъ бўладиган ҳолатлардан фориғ бўлишларига имкон беришдир.

2013 йилда бўлимимиз томонидан 3450 та никоҳ қайд этилди. Шунингдек, 8425 та туғилганлик ҳақида далолатномалар рўйхатга олинди. Ҳар ойнинг охирги шанбасида «Оила дорилфунуни» ташкил этилиб, унда бўлажак ёш келин-куёвлар, ёш оила вакиллари учун мутахассислар зарур маслаҳат ва тавсияларини беришади.

Тилга олганимиз, ҳозиргина бир-бирининг қўлига ҳаяжон ила бахт узугини таққан келин ва куёвнинг хаёлини ширин туйғулар чулғаб олганини ҳис этиш қийин эмас. Нафақат уларнинг, балки барча-барчанинг дилида масрурлик кўзга ташланади. Чунки ўзбек тўйни яхши кўради, бу эзгу кунларни ҳаётининг гултожига қиёслайди. Зеро, шоир ёзганидек,

Эгнида ярашган
мафтункор либос,
Давранинг тўрида
куёв ва келин!
Гул ила булбулдай
бир-бирига мос,
Бири Фарҳод бўлса,
бириси Ширин!

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Малим» қизи

да «Сендан ҳаракат — мендан баракат» деган яхши нақл бор. 56 ёшга кирган бўлсам-да, бирор марта ўз ҳаётимдан нолимадим. Чунки, ҳеч бир куним бекорчиликда ўтмади. Мураббийликдан ташқари вилоятда бўладиган ободончилик ишларига ҳам чин юрақдан ҳисса қўшмоқдамиз.

2009 йилдан бошлаб ҳовлимизда иссиқхона қуриб, полиз маҳсулотлари етиштира бошладик. Ҳозир эса 35-40 туп лимонимиз бор. Бу йилдан ҳосилга кирди. Кечки бодринг, кўкатлар экамиз. Эрта азонлаб томорқага оилавий меҳр бериб қараймиз. Кейин ҳамма ўз ишига кетади. Юртимизда ким ҳалол меҳнат қилса, яхши яшаяпти. Зеро, ишлайман, ўз меҳнатим билан ризқ топаман, деганга кенг йўл очилган. Бўш томорқадан унумли фойдаланаётганимиз турмушимизнинг янада обод бўлишига ёрдам бераяпти. Водий томонларга бориб, экин экиш сирларини ўрганиб келдим. Меҳнат қилсак, ўзимиз яхши яшаймиз.

КИТОБ МУТОЛААСИ

Бизнинг ишимизда ўқиб-ўрганишнинг аҳамияти катта. Дунёда икки касб эгаси — шифокор ва тарбиячининг ўқимасликка ҳаққи йўқ, деб ўйлайман. Сабаби, бири инсонни даволаса, иккинчиси уни тарбиялайди.

Аввалари, китобларда ёзилаверади-да, деб ўйлардим. Аммо кўп ҳолларда ўқиганларимиз ҳаётга жуда тўғри келаркан. Бадиий асарларни ўқиб, ходимларим билан муҳокама қиламиз. Қаҳрамонларнинг яхши томонларини ўзимизга оламиз. Ёмон томонларидан ҳам керакли хулоса чиқарамиз.

ОСМОНСОЙ ҲАҚИДА ЭРТАКЛАР

Қишлоғимиз қир-адирлардан иборат эди. Айниқса, баҳор фаслида уни таниб бўлмай қоларди. Кўкламда қўйлар болалар, кеч кириши билан уларнинг уйимизга тўдалашиб келиши, жажжи қўзичоқларнинг маъраб чопиши ҳалигача кўз ўнгимда. Болалигимизда қишлоқларда қўни-қўшнилар ўртасида умуман девор бўлмас, ҳамма бир-бирининг ҳолидан хабардор эди. Балки, шунинг учун ҳам улар уришмас, аҳил яшашар, нон ёпишса, тандирнинг олдидаёқ қўшнисига узатар, ош-овқатини ҳам ўртада баҳам кўришарди.

Ҳалигача қишлоқ одамларидаги оддийликни, соддаликни жуда яхши кўраман. Бир куни Тошкентдан Форишга меҳмонлар келишди. Тоғларга, қир-адирларга чиқдик. Тушлик пайти ерга жой солиб тамадди қилдик. Шунда шаҳарлик аёллардан бири: «Қаранг, Раъногул, қишлоқ ҳаёти қандай яхши. Ҳамма нарса оддий. Одамларнинг гаплари ҳам, сўзлари ҳам, ўзлари ҳам. Кибру ҳаводан асар ҳам йўқ. Кулишганида самимий кулишади», деб қолди. Чиндан ҳам қишлоқда ҳамма нарса оддий. Одамлар тиним билмай меҳнат қилишса-да, касалман дейишмайди. Чунки, тоза ҳаво, сут-қатиқ ва меҳнат уларнинг соғлом яшашларини таъминлайди...

ДУГОНАЛАР, БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?..

Орзигул ва Гулбаҳор исмли яқин дугоналарим билан қўшни эдик. Уч дугона бир-биримизникига ўтиб тикиш қилардик, дарс тайёрлардик, шаҳарга бориб ўқиш ҳақида орзу қилардик. Кундуз кунлари эса булоққа бориб сув олиб келиш баҳонасида иссиқ нонни сувга ботириб, узум билан ердик. «Бештош», «Мак-мак» каби севимли ўйинларни ўйнардик. Баҳорда чакира, чучмома ҳамда мойчечак териб, сочларимизга ҳам тақардик. Ҳозир ўша жойларга невараларимни олиб бориб, ёшлик йилларим ҳақида гапириб бераман. Ўша даврларда Санобар Раҳмонова, Муҳаббат Шамаеванинг қўшиқлари урф бўлганди...

Гул диёрим бор менинг,
Гулшан диёрим бор менинг...

ТУРМУШ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАР

Ўша пайтлари қандай йигитга турмушга чиқиш тасаввуримизда бўлмаган. Ота-она розилиги билан турмуш қурганман. Турмуш ўртоғим Сорабек Муҳаммадов билан оила қурганимизга 36 йил бўлди. Ҳамма оиладаги каби бизнинг турмушимизда ҳам баланд-пастликлар бўлган. Аммо ҳеч қачон уйга аразлаб кетмаганман. Чунки, у пайтларда келиннинг ота уйига аразлаб келиши қаттиқ уят ҳисобланган. «Чиққан қиз чиғириқдан ташқари» деган гапга қаттиқ амал қилинарди. Келин бўлган қиз отамни, акаларимни иснодга қўймай, деб ақл билан иш юритар, турмушнинг муштларига чидарди. Ҳозир ҳам шундай бўлса, яхши бўларди. Ёшларимизга қаттиқроқ туриш керакми, дейман. Сеплар-у сарполар ҳаддан ташқари кўп. Ҳамма нарса муҳайё бўлса, улар яна нега ажрашади, деган савол тинчлик бермайди менга.

Келинлигимда қайнсингилларим билан дугонадай эдим. Аҳил яшардик. Қайнотам оламдан ўтгач, қайнукаларимнинг барини ўқитдим. Ҳозиргача улар мендан бемаслаҳат иш қилмайди. 83 ёшли қайнонам Мақсадой она: «Фарзандларимни фақат сенга ишонаман», дейди. Ҳаётдан олган хулосам шуки, инсон бахтли яшаши учун олтин-кумуш эмас, муҳими, тинчлик-хотиржамлик керак экан.

Бошга кулфат тушди, дегани ҳаёт тугади, дегани эмас. Шунингдек, ҳаёт фақат севги-муҳаббатдангина иборат бўлмай, турмуш қуриш, аввало, икки ёшнинг бир-бирини тушуниши, борига шукур, йўғига сабр-тоқат қилиш деганидир. Қиз бола борган жойига яхши келин бўлсин. Ҳамма уни яхши кўрсин. Мана шу энг муҳими! Турмуш ўртоғим мени урмади, сўкмади, севимли ишимга қўйди. Қайнонамнинг ишончини айтмайсизми. Қариндош-уруғлар орасида ўзимга яраша обрў-эътиборим бор. Бир аёлга бундан ортиқ яна нима керак.

КЕЛИН КЕЛИНДАЙ БЎЛСИН!

Кўпчилик қайноналар каби келинимнинг назокатли, мулойим, эпчилгина, бўлишини, аяжон, дадажон, деб қулиб туришини хоҳлаганман. Ниятга қараб беради, деганларидай икки келиним ҳам ўзим орзу қилгандай чиқди. Шундай қизларни вояга етказгани учун қудаларимга минг раҳмат дейман. Улар билан дугоналдаймиз. Катта келиним ўз исмига мос — Асилахон. 2003 йилда ўғлим Алберт билан Асилахоннинг тўйи бўлди. 10 йилдан бери бирга яшаётган бўлсак, ҳеч қачон қаттиқ-қуруқ гаплашмаганмиз. Ҳамма ишларига ёрдамлашаман. Ниҳоятда оқила ва одобли. Кичик ўғлимга Наргизахон исмли олий маълумотли қиз тушди. Икки овсин бир-бири билан опа-сингилдек. Оиламизда ҳеч қачон қаттиқ овозда гапирилмайди.

ШУКРОНА

Жанубий Кореянинг иш тажрибасини ўргангани ўн кунлик саёҳатга боришга бордим-у, ватанимни, одамларимизни, меваларимизни, қуёшимизни жуда тез соғиндим. Ўз мамлакатимизда, уйимизда хотиржам яшаймиз, ишлаймиз. Фарзандларимиз ўқишга бориб келишади, кечалари бемалол ухлаймиз. Бунинг барига шукр қиламан. Қанча умрим бор бўлса, шу юртнинг равнақи учун меҳнат қилишга тайёрман.

Ҳозирда 8 неварани бувисиман. Икки қизим Моҳирахон ва Зиёдахон ўз оиласини гуллатиб ўтирибди. Катта келиним 39-«Наврўз» номли мактабгача таълим муассасасида олий маълумотли мутахассис. Кичик келиним 5-санаторий боғчада дефектолог. Невараларим Шаҳризабону 10-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси, Шаҳнозахон боғча тарбияланувчиси. Оиламиз билан ватан равнақи йўлида хизмат қилаётганимиздан фахрланаман!

Назира БОЙМУРОДОВА.
Муаллиф олган сурат

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФАРҒОНА» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ДУК ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Фарғона» халқаро аэропорти ДУК ҳудудидаги маъмурий биноларини ва ташқи фасад қисмларини жорий таъмирлаш».

Бошланғич нархи — 185 333 009 сўм ҚҚС сиз ва 222 399 610 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати — 31.12.2014 й.

Қурилиш-монтаж ишлари: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУК.

Манзил: Фарғона шаҳар Аэропорт кўчаси, 16. тел.(8-373) 226-29-95, 226-29-96

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Аэропорт кўчаси 16-уй* манзилда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 5-iyul № 82 (3431)

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлар идораси раисининг ўринбосари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Муҳтарам Президентимизнинг «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги Қарори диёримиз мусулмонлари қалбини мамнуният ва миннатдорлик туйғуларига тўлдирди. Қарорда таъкидланишича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойнинг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъзозлаш, буюк алломалар, азиз авлиёларимизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасида кенг кўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилиниши айтилган.

Рамазони шариф — САХОВАТ ОЙИ

Маълумки, рўзанинг луғавий маъноси «мутлақ ўзини тийиш» бўлиб, шариатда балоғат ёшига етган киши Аллоҳ таоло розилигини топиш умидида саҳардан то қуёш ботгунча еб-ичиш ва жимодан ўзини ушлаб туришига айтилади. Унинг фарз, ихтиёрий нафл, каффорат, назр, қурбонлик ўрнига тутиладиган рўза каби бир неча турлари мавжуд.

Рамазон рўзаси эса, Қуръон ва ҳадис орқали мусулмонларга фарз бўлган амаллардандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 183-оятида шундай баён қилади:

«Эй имон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз».

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: *«Кимки Рамазон ойида рўзанинг фарзлигига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади» — дедилар.*

Ислом енгиллик динидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **«Аллоҳ ҳеч бир жонга (унинг) тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...»,** — дейди (Бақара, 286). Унинг марҳамати ва ҳикмати билан бу ибодат ҳам қудрати етган кишиларгагина фарз қилинди. Агар бир киши хасталигининг кучайиши ёки тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, ҳомиладор ёки эмизикли аёл гўдагига зиён етишидан хавотирда бўлса ёки бир киши табаррук ёшга етган бўлиб, у ҳолдан тойса ва рўза тутишга қурби етмаса, бундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Улар рўза тутишга моне бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонларимиз рўза тута олмасалар ҳар кунги рўза учун бир мискин таоми миқдорида фидя берадилар.

Барча ибодатлар каби рўзанинг ҳам ўзига яраша шарт-шароитлари, мустаҳаб ва макруҳлари бор. Жумладан, саҳарликни таъхир қилиш (тонг отишига тақаб тўхтатиш), ифторликни эса аксинча тез (яъни, қуёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир. Рўзадор фақат оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда ўта хушёр, бошқалар билан муомалада мулойим бўлиши, ўз нафсига ҳокимлик қилиши лозим. Шунингдек, кам таъминланган оилалар, етим-есирлар, беморларга ўзининг қалб кўри, меҳр тафти ила ғамхўрлик кўрсатиши даркор.

Рўзанинг мукаммал бўлиши учун ёлғон сўзлаш, иғво ва бўҳтон қилиш, нолойиқ сўзлар билан ўзгалар дилини оғритиш каби иллатлардан ўзини сақлаши лозим. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: *«Қайси бир рўзадор ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишини тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас»,* — деб марҳамат қилдилар.

Рамазони шариф тоат-ибодат, қут-барака, бахт-саодат ойидир. Шунинг билан бирга, бу ойда гуноҳлар мағфират этилиб, тавба-тазарруълар, чин ихлос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топади, қилинган хайрли ишлар савоби бир неча бор зиёда қилинган ҳолда қабул қилинади, иншоаллоҳ.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборак ҳадисларида: *«Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлар эдилар»,* — деб марҳамат қилганлар. Яна бир ҳадисда айтдиларки: *«Рамазон ойининг биринчи ўн кунлиги раҳмат, иккинчи ўн кунлиги мағфират ва учинчи ўн кунлиги дўзахдан паноҳ топиш кунларидир».*

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, саховат, олиҳимматлик кўпроқ қилинади, гина-кудуратли инсонлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида»ги Фатвосида таъкидланганидек, ҳар қандай ишда ўртаҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошиш, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар ақлан ва шаръан қораланиб, улардан ҳазар қилишга буюрилган.

Қуръони каримнинг Исро сурасида: **«Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди»** — дейилади (Исро, 26-27).

Демак, силаи раҳм ва турли хайр-эҳсонларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ томонидан ман этилган.

Шунингдек, Қуръони каримда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳнинг суюкли бандалари эканлиги таъкидланади:

«Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) **эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар,** (тутган йўллари) **бунинг ўртасида — мўътадилдир»** (Фурқон, 67).

Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. *Жумладан: «Аллоҳнинг ноз-неъматларидан еб-ичинглар, садақа қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўйманглар!»* — дейилади. (Имом Аҳмад, Ан-Насаий, Ибн Можа ривоятлари).

Яна бир бошқа ҳадиси шарифда: *«Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам ўртаҳол бўлиш қандай яхшидир»* — дейилган (Абу Бакр Баззор ривояти).

Тежамкорлик тўғрисидаги ҳадиси шарифда эса: *«Тежамкор одам ҳеч қачон қашшоқлик кўрмайди»* — деб айтилган (Имом Аҳмад ривояти).

Эътиқодимиз бўйича, инсон намоз, рўза, ҳаж, хайру садақа, тиловати Қуръон каби амалларнинг савобини маййитларга бағишласа, албатта савоби етади. Шунга кўра, ушбу мақсадда иқтисодий имкониятига қараб, хоҳлаган вақтда фақир ва мискинларга эҳсон дастурхони ёзишлик жоиз. Савоби яна ҳам улуғ бўлишлиги ҳамда келган меҳмонлар руҳий ва маънавий озуқа олишлари учун бундай эҳсонларни енгил ва ихчам тарзда амри маъруф шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда айтади: **«Уларнинг кўпгина шивир-шивирларида — агар садақа беришга ёки эзгуликка буюришга ёхуд одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрмаган бўлса — яхшилик йўқдир. Кимдаким — Аллоҳ ризоси учун шуни қилса, унга улкан мукофот беражакмиз»** (Нисо, 114).

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсонни фақат зиёфат кўринишида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблағ муҳтож оилаларга, Меҳрибонлик ва Қариялар уйига, ободонлаштириш ишларига, ёшларнинг илм ва ҳунар олишлари учун сарф қилинса, мақсадга мувофиқ бўлур.

Авваламбор, Исломда барча хайру эҳсонлар, Аллоҳнинг розилигини топиш учун бўлмоғи лозим.

Хўш, қандай қилинса Аллоҳ рози ва эҳсон Унинг ҳузурида мақбул бўлади? Бунинг бир неча шартлари бор:

Биринчи: Эҳсон учун сарф қилинаётган мол-дунё ҳалол йўл билан топилган бўлиши шарт. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўз ҳадисларида марҳамат қилганлар: *«Банда ҳаромдан мол топиб, эҳсон қилган билан молига барака кирмайди. Садақа қилса қабул қилинмайди»* (Имом Аҳмад ривояти).

Иккинчи: Холис Аллоҳ учун бўлмоғи шарт. Одамлар кўрсин, мақтасин деб, риё мақсадида қилинган эҳсон мақбул эмас. Қуръон оятларида мол-дунёсини хайрли ишга сарф этишга бахиллик қиладиган, эҳсон қилган тақдирда ҳам одамлар кўрсин, мақтасин деб қиладиган кишиларни Аллоҳ севмаслиги, балки улар кибрли ва мақтанчоқ кишилар эканлиги баён қилинган. Риёкорлик билан қилинган эҳсон эвазига ҳеч қандай савобга эришиб бўлмаслиги, аксинча, оғир гуноҳга ботиш мумкин.

Учинчи: Исрофга йўл қўймаслик. Исроф деганда фақат таомнинг ортиб қолиши ёки оёқ ости бўлишини тушунмаслик керак. Балки, ноўрин жойга қилинган эҳсон ҳам исрофдир.

Демак, исроф бўлмаслиги учун авваламбор, эҳсон қилувчи киши кимларга эҳсон қилиниши лозимлигини билмоғи керак, акс ҳолда, ўз эгаларига берилмаган эҳсон мақбул бўлмайди. Чунки, хайр-эҳсон ва зиёфат беришдан асосий мақсад муҳтож ва фақирларга моддий ёрдам кўрсатишдир.

Минг афсуски, ҳозирги кунда баъзи кишилар томонидан эҳсон қилишда ушбу шартларга риоя қилмаслик ҳоллари содир бўлмоқда. Бунга асосий сабаб, ўша кишиларда манманлик, риёкорлик каби иллатларнинг мавжудлигидир.

Ўтказиладиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда, унинг ҳоли қудратидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказишлик эса шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, буларни ўтказишда жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ила бамаслаҳат қилингани маъқул.

Яратган Парвардигордан Муборак ойда юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб дуо қилиб қоламиз.

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йил реконструкция, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
	ЛОТ 58-2:			
Лот-1	Ургут туманидаги Янгиариқ ҚФЙ Мирзабоғлон-Чеп маҳалла фуқаролар йиғини биносини реконструкция қилиш.	124 127 919 сўм	148 953 503 сўм	3 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтининг 2-сон ётоқхона биносини капитал таъмирлаш.	866 543 900 сўм	1 039 852 680 сўм	5,5 ой

Қурилиш ишлари Лот-1 бўйича «Маҳалла» жамғармаси маблағлари, Лот-2 бўйича СамДАҚИ ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси

Манзили: Самарқанд шаҳри, Қўксарой майдони, 1-уй, телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорига асосан Лот 58-2 (Лот-1) бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2Д-корпус, 403-хона. Тел\факс: 231-13-51, 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносида соат 10.00 да ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳаётда сартарошга иши тушмаган эркакнинг ўзи йўқ. Соч-соқоли ўсдими, катта ҳам, кичик ҳам, албатта, сартарошга келади...

Эшигига «Сартарошхона» деб ёзилган мўъжазгина хона ҳамиша гавжум. Тўрда катта ойна, ёнида айланма стул. Оппоқ халатли сартарош мижоз бўйнига оқ фартугини

САРТАРОШ

(Қатра)

бойлаб, сочини олиш билан овора...

Қариялар стулга бемалол ўтириб олишади. Гоҳида ухлаб қолгандай... Сартарош сочини олишни бошлайди...

Гоҳ-гоҳ митти болакайлар киришади. Ёш йигитлар эса, айниқса, бўлакча. Сочига бошқача кўриниш беришини истайди. Сартарош унинг дардини ҳис қилади. Бор маҳоратини ишга солади. Кўзгуга қараган йигит ўзини таниёлмай қолади.

Баъзилар ётиб қолган отасининг соч-соқолини уйига бориб олиб келишини илтимос қилади. У йўқ демайди. Дуога қўмилади.

Сартарош — сариштали, фариштали одам.

Абдураҳим БОЗОРБОЕВ

Спорт оламида

Велоспорт

Фарғонада велошоссе бўйича мамлакат чемпионати баҳслари ўтказилди. Бу йилги мусобақада 80 нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

ЯНГИ НОМЛАР

Катталар ўртасида Руслан Каримов олтин медал соҳибига айланган бўлса, Вадим Шайхов кумуш, Юсуф Абреков бронза медал билан тақдирланди.

23 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги баҳсда Денис Шайманов марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Владислав Галянов ва Жаҳонгир Дармонов совриндорлар сафидан ўрин олди.

Хотин-қизлар баҳсида Олга Дробишевага тенг келадиган топилмади. Дарья Матасанова ва Олга Жантуганова кучли учликка кирди.

Сузиш

Полша давлатида сузиш бўйича ниҳоясига етган халқаро мусобақада ҳамюртимиз Дмитрий Хорлин 200 метр масофага эркин усулда сузиш бўйича олтин медални қўлга киритди ва айни вақтда Осиё рекордини янгилади.

УЧ ОЛТИН ВА РЕКОРД

200 метр масофани 2:04,52 сонияда сузиб ўтган Дмитрий 1999 йили хитойлик Хю Хёнгу томонидан ўрнатилган рекорд натижани (2:20,27 сония) 15,75 сонияга яхшилашга эришди.

Эслатиб ўтамиз, мазкур халқаро турнирда Дмитрий Хорлин 400 метр масофага ўтказилган сузиш мусобақасида ҳам Осиё рекордини янгилаган, бундан ташқари, 100 метр масофага эркин усулда сузиш баҳсларида марра чизиғига биринчи бўлиб етиб келганди.

Шу тариқа, Дмитрий Хорлин жорий йил октябр ойида Инчеон (Жанубий Корея)да ўтказиладиган ПараОсиё ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Сув полоси

Наманганда ўн тўққиз ёшгача бўлган ўсмир ва қизлар ўртасида сув полоси бўйича мамлакат очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Бу йилги мусобақада вилоятлар ҳамда Қозоғистондан келган ўн бир жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Қизғин кечган мусобақалар якунига кўра ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳрининг Марказий ҳарбий спорт клуби жамоаси биринчи, Республика Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ватерполчилари иккинчи, Наманган вилояти терма жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

Қизлар ўртасида Республика Олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси олтин, Тошкентнинг «Germes Tristmegist» спорт клуби вакиллари кумуш, наманганликлар бронза медални қўлга киритди.

Теннис

Мамлакатимиз теннис усталари Қозоғистонда ўтган халқаро турнирларда муносиб иштирок этди.

ТИМУР ВА ВЛАДАНИНГ ҒАЛАБАСИ

«Фючерс» туркумидаги турнирнинг яккалик баҳсларида ҳамюртимиз Темур Исмоилов финалда белоруслик Ярослав Шилани 6:4, 6:1 ҳисобида енгиб, бош совринни қўлга киритди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтган халқаро мусобақанинг яккалик баҳсларида эса Влада Екшибарова грузиялик София Квацабаяни 7:5, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мусобақа ғолибасига айланди.

Енгил атлетика

Латвиянинг Елгава шаҳрида ўтказилган анъанавий халқаро турнирда терма жамоамиз аъзоси Иван Зайцев муносиб иштирок этди.

АЪЛО НАТИЖА

Вакилимиз найза улоқтириш баҳсларида 81,73 метр натижа билан мусобақанинг олтин медалига сазовор бўлди.

Мезбон спортчи Роланд Штробиндерга кумуш, украиналик Александр Ничипорчукга бронза медал насиб этди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zaynidin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19. 00
Topshirildi - 19. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 718 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4